

Сирожиддин СОТВОЛДИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси стажёр ўқитувчиси

АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИДА ШАКЛДОШ СЎЗЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИЛИШИ

Араб тили ва ёзуви тарихига назар ташланса, умумий тилшуносликнинг шаклдош-талаффуздош (المُشْتَرَكُ اللَّفْظِيُّ – al-mushtarak¹ al-lafziyyu²) сўзлар – омонимлар, паронимлар ва сўз вариантларини ўрганувчи соҳаси ўзига хос ўрин тутишини кўриш мумкин. Бунда нафақат талаффуз, балки ёзув хусусиятлари ҳам муҳим атрибут ҳисобланади.

Араб тилшунослигида ҳозирга қадар шаклдош-талаффуздош сўзлар хусусида яқдил тўхтамга келинмаган. Бу борада тилшунослар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ Ибн Дуруставайх¹ бошчилигидаги олимлардан иборат бўлиб, улар бу тил ҳодисасини кўпмаънолилиқ (полисемия) билан изоҳлайдилар. Иккинчи гуруҳ – Сибавайх ва у билан ҳамфикр тилшунослар «al-mushtarak¹ al-lafziyyu²» ҳодисаси дунёнинг санокли тилларига, шу жумладан араб тилига ҳам хос эканини таъкидлаб, унинг белгиларини аниқ кўрсатиб берадилар. Бу хилма-хилликнинг илдизига етиш учун ҳар икки томоннинг далиллари билан мухтасар танишамиз.

Биринчи гуруҳ вакили Бадиҳийнинг фикрича, сўз аввало битта маъно англатади, кейин бу маънодан бир неча маънолар туғилади. Бу «туғилиш», унинг таърифига кўра, маъно тараққиётидир². «Бу тараққиёт секин ва босқичма-босқич кечади, сўз маъноси ўзгариши тўсатдан юз бермайди, балки узоқ вақт давом этади. Пировардида, сўзнинг бош маъносига яқин бошқа маъноси пайдо бўлади»³, деб ҳисоблайди доктор Алий Абдулвоҳид Вофий

ҳам. У ўз фикрини давом эттириб, бунда чегарадошлиқ ва ўхшашлик алоқалари муҳим ўрин тутишига эътибор қаратади.

Чегарадошлиқ алоқаси икки ҳолат – ўрин-жой ва вақтга нисбатан кузатилиши мумкин. Биринчи ҳолатга, яъни ўрин-жойга нисбатан чегарадошлиқ алоқасига мисол тариқасида «زَعْنِي غَط» (za‘īnāt⁴) сўзини олайлик. Бу сўз даставвал «тахтиравондаги аёл» маъносини англатган. Кейинчалик эса тахтиравоннинг ўзини ҳам, тахтиравон ўрнатилган туяни ҳам билдирадиган бўлиб қолди.

Вақтга нисбатан чегарадошлиқ алоқасига мисол тариқасида эса «الْعَقِيقَةُ» (al-‘aqīqat⁴) сўзининг маъно ўзгариш ҳолатини кўриб чиқиш мумкин. Бу сўз аслида чақалоқнинг туғилганда мавжуд сочини билдиради. Кейинроқ эса шу сочни қирқиш маросимида сўйиладиган курбонликка нисбатан ҳам қўлланадиган бўлиб қолди.

Ўхшашлик алоқаси «الْأَفْنُ» (al-‘afn⁴) сўзининг маъно ўзгаришида намоён бўлади. Бу сўз аслида туя сутининг камлигини билдиради. Кейинроқ ақлнинг камлиги ва эсипастликка нисбатан ҳам қўлланилган. Ёки «الْمَجْدُ» (al-majd⁴) сўзи аслида ҳайвон қорнининг ўт-ўланга тўйишини англатган бўлса, кейинроқ саховатга тўлиб-тошишни ҳам билдирадиган бўлди.

Ўз навбатида, иккинчи гуруҳ тилшунослари «al-mushtarak¹ al-lafziyyu²»ни араб тилининг энг жозибадор ва ўзига хос қирраси сифатида эътироф этадилар. Бу гуруҳнинг классик намояндаси Сибавайх ўз «Al-kitāb⁴» асарининг «بَابُ اللَّفْظِ لِلْمَعْنَى» (Bāb⁴ al-lafzi li-l-ma‘ānī) бўлимида талаффуздош, аммо турли маъноли сўзлар ҳақида баҳс юритар экан, «وَجَدَ» (wjd) ўзаги асосида бир неча мисоллар келтиради ва бунга ўхшашлар кўплигини қўшимча қилади⁴.

¹ ‘Ibnu Durustawayh. Taṣṣiḥu al-faṣiḥi wa sharhihi. –Al-Qāhiratu, 2004. – §.124.

² Tavfiq Muḥammadun Shāhinun. Al-mushtaraku al-lughawiyyu: naẓariyyan wa taṭbīqan. –al-Qāhiratu: Maktabatu Wahbata, 1980. –§.9.

³ ‘Aliyyun ‘Abdu al-Wāḥidi al-Wāfiy. ‘Ilmu al-lughati. – Bayrūt: 1992. –§.314.

⁴ Sibawayhi. Al-kitābu. –Al-Qāhiratu: Maktabatu al-Khanajī, 1988. –§. 15/ 1-mujallad.

Масалан: وَجَدَ (wajada) – топмоқ; وَجَدَ (wajada) – бой бўлмоқ; وَجَدَ (wajida) – аза тутмоқ.

Яна бир классик нахвшунос Мубаррид ҳам Сибавайхнинг фикрини қувватлаб, бир хил талаффуз қилинса-да турли маъноларни англатувчи сўзларнинг араб тилига хос эканига урғу беради⁵.

Иқтибослардан кўриниб турибдики, ҳар икки томоннинг ҳам асослари ўринлидир. Хулоса қилиш мумкинки, Сибавайх ва унинг тарафдорлари умумий тилшуносликда омонимлар деб таърифланувчи ҳодиса ҳақида фикр юритганлар. Ибн Дуруставайх ва унинг издошлари эса полисемия, яъни кўпмаънолилик (تَعَدُّدُ الْمَعْنَى – ta‘addud^u al-ma‘ānīy) ҳақида баҳс юритишган. Шу сабаб шаклдош сўзларни ўрганишда ҳар икки томоннинг ҳам қимматли хулосаларини инобатга олиш лозим.

Замонавий тилшуносликда эса омонимлар қуйидагича тасниф қилинади:

I. Тўлиқ омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ – al-jinās^u at-tāmm^u). Бунда икки ва ундан ортиқ сўз ҳарфлар сони, уларнинг талаффуз ўрни, диакратик белгилари билан бир хил бўлади, лекин турли лексик маънони билдиради.

Араб тилшунослари тўлиқ омоним (al-jinās^u at-tāmm^u) ҳам 2 хил бўлишини таъкидлайдилар. Бу хилларнинг ҳар бири яна бир неча қисмларга тақсимланади:

1. Тўлиқ-содда омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ غَيْرُ مُرَكَّبٍ – al-jinās^u at-tāmm^u ghayr^u murakkabⁱⁿ):

А) Тўлиқ-содда-ўхшаш омоним (الْجِنَاسُ الْمُثَابِلُ – al-jinās^u at-tāmm^u al-mumāthil^u) – бундай омонимлар ўзак таркибида ҳарфлар сони, тури ва ҳатто сўз туркуми (исм, феъл, ҳарф) жиҳатидан умумийликка эга бўлади.

Б) Тўлиқ-содда-ўхшаш бўлмаган омонимлар (الْجِنَاسُ التَّامُّ الْمُتَوَفَّى – al-jinās^u at-tāmm^u al-mustawfā). Бундай омонимлар фонетик ва график ўхшашлиги, ўзак ҳарфлари сони ва талаффузи бир хиллиги билан характерланади, бир сўз туркуми доирасида эмас, балки турли сўз туркумлари ўртасида юзага келади. Масалан:

سَمَيْتُهُ يَحْيَى لِيَحْيَى وَ لَمْ يَكُنْ إِلَى رَدِّ أَمْرِ اللَّهِ فِيهِ سَبِيلٌ

(Samaytuhu Yahyá li-yahyá wa lam yakun ‘Ilá raddi ‘amril-lāhi fihi sabīl^{un})⁶.

⁵ Al-Mubarridu. Ma-ttafaqa lafzahu wa-’khtalafa ma’nāhu. –Bayrūt: Dāru al-‘ilmi, 1996. – §.3.

⁶ ‘Aliy al-Jarām, Muṣṭafá ‘Amīn. Al-balāghatu al-wāḍiḥatu. –London: Dāru al-ma‘ārifī, 1999. –§.263. (таржима бизники).

Маъноси: «Яшаб қолиши учун уни Яхё деб атадим, Аммо Аллоҳнинг иродасига қарши чора йўқ».

Биринчи сўз يَحْيَى (Yahyá) – атоқли от, иккинчи сўз эса ҳозирги-келаси замон феъли, «яшамоқ» маъносида.

2. Тўлиқ-бирикмали омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبٌ – al-jinās^u at-tāmm^u murakkab^{un}) – бу хил омонимлик бир мустақил маъноли содда сўз ва бирикма ўртасида юзага келади. Бунда бирикма бир сўз ва бошқа бир сўзнинг бир қисми жамланмасидан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Тўлиқ-бирикмали омоним 4 турли бўлади:

А) Тўлиқ-бирикмали-ясама омоним (الْمَرْفُوعُ الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبٌ – al-jinās^u at-tāmm^u murakkab^{un} al-marfuw^u). Бунда бир сўз бошқа сўзнинг бир қисми билан бирга яхлит олинганда, бошқа бир сўзга омонимлик ҳосил қилади. Масалан:

الْمَكْرَمَةُ مَهْمَا اسْتَطَعْتُ لَا تَأْتِيهِ لِنَفْتَنِ السُّودَدَ وَالْمَكْرَمَةَ

(Al-makra mahmā ma-šṭaṭa‘tu lā ta’tihi, Li-taqtaniya as-su’dada wa-l-makramah)⁷.

Маъноси: «Сен ҳар қанча макр қилма, саховат ва мойиллигингни яшира олмайсан».

Байтнинг биринчи мисрасидаги сўз + бўғин (al-makra mah) биргаликда иккинчи мисра охирида келган бутун сўз (al-makramah) билан омоним бўлмоқда.

Б) Тўлиқ-бирикмали-ўхшаш омоним (الْمُتَشَابِهُ الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبٌ – al-jinās^u at-tāmm^u murakkab^{un} al-mutashābih^u). Бунда бир сўз бутун бирикма билан ҳам ёзилишда, ҳам талаффузда омонимлик ҳосил қилади. Масалан:

إِذَا مَلَكَ لَمْ يَكُنْ ذَاهِبَةً فَدَعُهُ فَذَوْلَتُهُ ذَاهِبَةً

(‘Idhā malakun lam yakun dhāhibah, Fada’hu fadawlatuhu dhāhibah)⁸.

Маъноси: «Агар подшоҳ мурувватли бўлмаса, Огоҳлантурки, давлати тезда кетгувчидир».

Бу байтда биринчи мисра зарбидаги сўз билан иккинчи мисра ажзидаги сўз ҳам қофиядош, ҳам омонимдир. Кўринишидан бу сўзлар бир хил сўзга ўхшаса-да, аслида биринчи мисрадаги ذَاهِبَةً (dhāhibah) сўз бирикмасидир (ذَاهِبَةً +), яъни «мурувват эгаси» маъносида.

В) Тўлиқ-бирикмали-боғланган омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبٌ الْمَلْفُوفُ – al-jinās^u at-tāmm^u murakkab^{un} al-malfūf^u). Омонимларнинг бу ўзига хос тури бўлиб, бунда бир мустақил маъноли

⁷ ‘Aliy al-Jarām, Muṣṭafá ‘Amīn. Al-balāghatu al-wāḍiḥatu. –London: Dāru al-ma‘ārifī, 1999. –§.264.

⁸ Қаранг: ўша манба, ўша бет.

сўз бошқа бир сўз бирикмаси билан талаффузда ўхшаш бўлади, бироқ ёзувда кичик фарқ кўзга ташланади. Масалан:

فَقُلْ لِنَفْسِكَ أَيِ الضَّرْبِ يُوجَعُهَا
ضَرْبُ النَّوْاقِيسِ أَمْ
ضَرْبُ النَّوِيِّ قَيْسِي

(Fa-qul li-nafsika 'ayī-d-darba yūja'ahā,
Darba-n-nawāqīsī 'am darbu-n-nawīya qīsī)⁹.

Маъноси: «Ўзингдан сўра, қандай зарб сенга оғриқ беради: Қўнғироқ зарбими ёки фироқ зарбими, фарқлаб айм!»

Ушбу мисолдаги биринчи омоним бир мустакил сўз – النَّوْاقِيسِ (an-nawāqīsī) сўзи бўлиб, ناقوس (naqus – «қўнғироқ»)нинг кўплигидир. Иккинчи омоним эса «от + феъл» бирикмасидан иборат: النَّوِيِّ (an-nawīya) «айрилиқ, фироқ» маъносини англатувчи от; قَيْسِي (qīsī) эса قَاس (qāsa – «қиёсламоқ») феълнинг буйруқ майлидаги шаклидир.

Г) Тўлиқ-бирикмали-тўқилган омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبُ الْمُتَّفَقِ – al-jinās^u at-tāmm^u murakkab^u al-mulaffaq^u). Бу хил омонимлар бирикмалар (конструкциялар) ўртасида кузатилади. Масалан:

فَلَمْ تَضَعْ الْأَعَادِي قَدْرَ شَانِي
وَلَا قَالُوا فَلَانٌ قَدْ
رَشَانِي

(Fa-lam taḍa 'i-l- 'a 'ādī qadra shānī, Wa lā
qālūw fulānun qad rashānī)¹⁰.

Маъноси: «Шаъним даражалари чегара билмас, «Фалончи мени сотиб олган», демаслар».

П. Тўлиқ бўлмаган омоним (الْجِنَاسُ غَيْرُ التَّامِّ – al-jinās^u ghayr^u at-tāmmⁱ) – бундай омонимларнинг ўзак таркибидаги бир ёки бир неча ўринларида муайян фарқ бўлиши мумкин. Бу фарқ ўзак ҳарфларининг сонида, ёки уларнинг талаффузида, ёки диакратик белгиларида кузатилиши мумкин, худди шунингдек, маъносида ҳам. Шу фарқлар асосида араб тилшунослари тўлиқ бўлмаган омонимнинг бир неча турларини ажратиб кўрсатадилар:

1. Сўзнинг талаффузи ва диакратик белгилари билан фарқ қилувчи омонимлар. Бу навни қадим куфий хатининг имло қоидалари билан боғлаб тушунтириш тўғрироқ бўлар эди. Куфий хатида ёзувда ҳарфнинг диакратик белгилари, сўзларнинг қисқа унли ҳаракатлари ўз ифодасини топмайди. Демак,

шу хусусиятларни ҳисобга олганда, талаффузи ва диакратик белгилари билан фарқни намоён қилувчи омонимлар икки хил бўлади:

А) Тўлиқ бўлмаган-тахриф омоним (الْجِنَاسُ تَخْرِيفٌ – jinās^u taḥrīf^u) – сўзма-сўз таржима қилинса, «нотўғри талаффуз» демакдир. Аслида бу ўринда бирор сўзни ҳақиқий нотўғри талаффуз қилиш эмас, балки ёзилиши бир хил, аммо ўқилганда қисқа унли ҳаракатлар ҳисобига бир-биридан муайян тарзда фарқланувчи сўзлар назарда тутилмоқда.

Б) Тўлиқ бўлмаган-тасҳиф омоним (الْجِنَاسُ تَصْحِيفٌ – jinās^u taṣḥīf^u) – сўзма-сўз таржимаси «нотўғри ёзилиш» бўлиб, бу турда икки сўзнинг ўзак таркибидаги ҳарфлар ўз диакратик белгилари билан фарқ қилиши кузатилади.

2. Тўлиқ бўлмаган омонимларнинг иккинчи хили ўзак таркибидаги ундош товушларнинг талаффузи асосига кўра қисмларга ажратилади:

А) Тўлиқ бўлмаган-музореъ омоним (الْجِنَاسُ الْمُضَارِعُ – al-jinās^u al-muḍarī' – ўзак таркибида талаффузи ўхшаш, махражи бир-бирига яқин ундош товушлар мавжуд сўзлар ўртасида кузатилади.

Б) Тўлиқ бўлмаган-лоҳиқ омоним (الْجِنَاسُ اللَّاحِقُ – al-jinās^u al-lāḥiq^u) – бундай сўзларда асосий фарқни келтириб чиқараётган ундош товушлар ҳосил бўлиш ўрнига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Мухтасар айтганда, зикр этилганлардан араб тилида шаклдошлик ҳодисаси бўйича куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– шаклдошлик (омонимия ва паронимия) ва кўпмаънолилиқ (полисемия) бошқа-бошқа ҳодисалар бўлиб, ҳар иккиси ҳам «al-mushtarak^u al-lafẓiyy^u» мавзусининг қамров доирасига киради ва шу йўналишда ўрганилади;

– замонавий тилшуносликда омонимларнинг тўлиқ (الْجِنَاسُ التَّامُّ – al-jinās^u at-tāmm^u) ва тўлиқ бўлмаган (الْجِنَاسُ غَيْرُ التَّامِّ – al-jinās^u ghayr^u at-tāmmⁱ) турлари ажратилади. Бу турлар ҳам ўз ўрнида бир неча навларга таснифланади. Тўлиқ омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ – al-jinās^u at-tāmm^u)нинг содда, содда-ўхшаш, содда-ўхшаш бўлмаган, бирикмали, бирикмали-ясама, бирикмали-ўхшаш, бирикмали-боғланган, бирикмали-тўқилган навлари бор. Тўлиқ бўлмаган омоним (الْجِنَاسُ غَيْرُ التَّامِّ – al-jinās^u ghayr^u at-tāmmⁱ) эса ўзаро талаффузи ва диакратик белгилари билан фарқ қилувчи, таҳриф, тасҳиф, музореъ-лоҳиқ каби навларга ажратилган.

⁹ 'Aliy al-Jarām, Muṣṭafā 'Amīn. Al-balāghatu al-wāḍiḥatu. –London: Dāru al-ma'ārif, 1999. –S.264.

¹⁰ Қаранг: ўша манба, ўша бет.